Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
29 СЕНТЯБРЬ 1970 й
СЕШАНБА
№ 230 (1599).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

✻ ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА

«Таштрансспецстрой» трестига қарашли асфальт-бетон заводи коллективи тўққиз ойлик планга қўшимча беш минг тоннадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарди. Тўққиз ойлик план бу корхонада 11 сентябрдаёқ бажарилган эди. Бу вақт мобайнида қурилиш майдонларига бир миллион 177 минг сўмлик асфальт-бетон маҳсулотлари юборилган эди.

Коллектив партия XXIV съезди шарафига социалистик мусобақани кучайтириб юборди. Сергели асфальт-бетон цехи корхонада пешқадамлик қилмоқда. Бунга цех бошлиғи Е. Тиртишевнинг тадбиркорлиги туфайли эришилди. Шунингдек, Н. Меркулов бошчилик қилаётган ремонт-механика цехи коллективи ҳам механизмларни сифатли ва тез суръатлар билан ремонт қилишда намуна бўлмоқда.

Суръат тезлашгач...

Шу трестга қарашли 71-ихтисослашган бошқарма коллективи ҳам давлат топшириқларини ҳамиша ортиғи билан бажаради. Улар тўққиз ойликда ҳам яхши ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришди. Беш йилликнинг сўнгги йили тўққиз ойлик планни муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди.

Ҳозир бошқарма ишчилари октябрь ойи планини ҳам бажариш арафасида туришипти. Бугунги кунда тўққиз ойлик планга қўшимча юз минг сўмликдан кўпроқ иш бажарилди. Муваффақият ўз-ўзидан келгани йўқ, албатта. Меҳнатни тўғри ташкил қилиш, ички резервлардан унумли фойдаланиш туфайли бунга эришилди. Механизм ва ишчи кучидан унумли фойдаланиш коллективда одат тусига кириб қолди.

Асосан бошқарма подъезд йўллари қуришга мослаштирилган. Ҳозир коллектив «Қўйлиқ—3» массивидаги иситиш қозонхонаси учун темир йўл изолари ётқизишни муваффақиятли давом эттирмоқда. Сергели саноат зонасидаги уч ярим километрли темир йўл изоларини ётқизишда ҳам коллектив катта ҳисса қўшди.

Бу объектларга Б. Бектурғонов ва А. Устинов ўртоқлар бошқараётган бригадаларнинг коллективлари намунали ишлашмоқда. Улар КПСС XXIV съезди шарафига бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.



Шу кунларда Тошкентдаги «Гидрометприбор» заводи механикаларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар пахта тайёрлаш пунктлари ва пахта тозалаш заводларининг лабораториялари учун приборларни кўплаб ишлаб чиқармоқдалар.

СУРАТДА: пешқадам приборсозлардан Виктор Крашков билан Станислав Зубовский чигитни пахта толасидан ажратувчи аппаратни тайёрлаш жараёнида.

М. Нуриддинов фотолари.

Пардозчилар бўш келмайди

Пардозлаш трестига қарашли 30-пардозлаш бошқармасининг сайқалчилари тўққиз ойлик планни муддатидан ўн кун олдин бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Бунга Ленин ордени кавалери Андрей Черников, Владимир Никонов, Элмир Саъдиев каби ўртоқлар бошқарган пешқадам бригадаларнинг ғайрати туфайли эришилди. Улар 1500 минг сўмлик иш бажаришди.

Ленинча беш йилликнинг сўнгги йилида коллектив 9510 квадрат метр турар-жой биноларини пардозидан чиқариб фойдаланишга топширди. Бундан ташқари лак-бўёқ заводи ишчилари учун ётоқхона, 21-ҳунар-техника билим юртининг ўқув корпуси, «Юлдуз» тикувчилик фирмасининг бош ишлаб чиқариш корпуси ва бошқа объектлар пардозидан чиқарилди.

Коллектив партия XXIV съезди шарафига мусобақани кенг кўлоч ёйдириб, ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқди ва сентябрь ойи охиригача тўққиз ойлик планга қўшимча 30 минг сўмлик иш бажариш мажбуриятини олди.

Телеграммалар йўли қисқарди

Шаҳар телеграфистлари телеграммаларни қабул қилишгач, Марказий телеграфга эмас, тўғридан-тўғри телеграммадаги адрес бўйича узатишни йўлга қўйдилар. Ҳозирча Фарғона ва Урганч шаҳарлари билан шундай алоқа ўрнатилган.

Нил охирига бориб бу икки шаҳар сафига бошқалари қўшилади. Шаҳар алоқа бўлимлари ҳам телеграммаларни шаҳарларнинг ўзидан қабул қилаверадилар. Бу эса телеграммаларни эгаларига бир неча кун эмас, бир неча соат ичида элтиш имконини беради.

У. ИСРОИЛОВ,
алоқа ходими.

УЙ МУБОРАК

АЛОҚАЧИЛАР МАМНУН

Киров районидаги Озарбайжон кўчасининг ҳусни яна очилиб кетди. Бу ерда тўрт қаватли 411 ўринли ётоқхона биноси қад кўтарди. Ҳашаматли бинони куни-кеча «Главташкентстр о й»-11-қурилиш бошқармасининг пардозчилари сайқалдан чиқаришди.

ЯҚИНДА БИНОГА АЛОҚА МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ХОДИМЛАР КЎЧИБ КИРИШДИ.

* * *

Жаҳон Обидова кўчасидаги саккиз юз эллик ўринли ётоқхона ҳам бинокорларнинг қўлидан чиқди.

✻ Аҳолига қулайлик

МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИ

Ф. Энгельс кўчаси билан Урицкий кўчалари муюлишида забардаст кран қад кўтарди.

Бугун

БУ ЕРДА ТЎРТ ҚАВАТЛИ МОДАЛАР АТЕЛЬЕСИ БИНОСИНИНГ БИРИНЧИ ҚАВАТИГА БЕТОН ЁТҚИЗИШ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ.

Партиямиз XXIV съездигача бино қурилишини тугатиш учун бел боғлаган 159-қурилиш трестининг 8-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Съезд олди вахтасида ўз нормаларини ошириб бажараётган қурувчилардан Ғ. Маҳмудов, Т. Эрматхўжаев, А. Ражабов, Э. Тожиевлар бошқаларга ўрнак кўрсатишяпти.

ИБРАТЛИ ТАДБИР



Ирригация бўйича Давлат махсус конструкторлик бюросида кейинги йиллар ичида пахта майдонларини суғоришга мўлжалланган машиналарнинг бир қатор сериялари ишлаб чиқилди. Бу машиналар республикамиздаги қўриқ ерларни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга.

Бюро томонидан қишлоқ хўжалигига беш юзта суғорадиган кўчма «ППА» агрегатлари берилди. «Темир миробларг деб ном олган бу машиналар Мирзачўлнинг йигирма икки совхозида жуда яхши хизмат кўрсатмоқда. Сирдарё областидаги «Малик» совхозида эса ҳамма майдонлар ана шу техника ёрдамида суғорилмоқда.

Давлат махсус конструкторлик бюросининг иш чизмалари бўйича Волгоград областидаги Котельников қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида бошқа агрегат —«СНП 150/5» маркали кўчма насос станцияларини оммавий суратда ишлаб чиқаришга киришилди. Бу агрегат ҳам иш фаолияти давомида ўзининг серунум ва қулай механизм эканини кўрсатди.

Бюронинг ижодкор коллектив изланишда давом этиб, деҳқонларнинг оғирини енгил қилиш учун бутун имкониятларини ишга солмоқда.



СУРАТДА: мамлакатимиз пахтакорлари учун зудлик билан жўнатилаётган кенг қаторли «Ўзбекистон» пахта териш комбайнлари. Бу «зангори кема»лар азамат «Ташсельмаш» заводи машинасозлари томонидан яратилмоқда.

✻ Ишу куннинг интервьюси

Обуна қизғин давом этяпти

Ҳозирги ҳаётни газета ва журналсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Матбуот кундалик ҳаётимизнинг зарурий қисмига айланиб қолган. Республикамизда чиқаётган хилма-хил газета ва журналлар фикримизнинг ёркин далилидир.

Шу кунларда 1971 йил учун обуна қизғин давом этмоқда. Шаҳардаги матбуот тарқатиш агентликлари корхоналарда, ташкилотларда, олий ўқув юртларида бу соҳада қизғин иш олиб бормоқдалар. Шаҳар матбуот тарқатиш дирекцияси бошлиғи Собир Хатамович Хатамов мухбиримизга обунанинг бориши ҳақида қуйидаги ларни гапириб берди:

Шаҳримиздаги етти районда етти матбуот тарқатиш агентлиги бор. 1 сентябрдан бошлаб улар ҳамма жойда обуна қилишни бошлаб юбордилар. Бир қатор корхона ва муассасаларда иш кўнгилдагидек бўляпти.

Қуйбишев районидаги корхоналар, мактаблар, олий ўқув юртлари обунага қатъий киришдилар. Ёшлар ва ўқувчилар газетасига обуна бўлганлар бу районда кўпчиликни ташкил қилади. Жумладан, «Комсомольская правда»га 1820 киши, «Пионерская правда»га 5120 киши, «Ленин учқуни»га 1500 киши, «Пионер Востока»га 3020 киши, «Гулхан» журналига 970 киши обуна бўлган.

Фрунзе район меҳнаткашларидан саккиз юз киши «Правда» газетасига обуна бўлди. Агар обуна қилиш яқинда бошланганини ҳисобга олсак, бу район газетхонларининг ўз севимли газеталарига бўлган қизиқиши нақадар кучлиги яққол намоён бўлади.

Обуна шуни кўрсатяптики, кичкинтой газетхонлар сони тобора ортиб боряпти. Шу кунгача шаҳар бўйича «Гунча» журналига 2250 киши, «Пионер Востока» газетасига 10 минг 200 киши, «Ленин учқуни» газетасига 4 минг киши обуна бўлган.

Аммо ҳамма районларда ҳам газета ва журналларга ёзилиш бир хил даражада эмас. Масалан, Октябрь ва Киров районларида обунанинг бориши талабга жавоб бермайди. Биз ўйлаймизки, бу районлардаги барча корхона, муассаса ва ташкилотлар газета-журналларни пропаганда қилишни яхши йўлга қўядилар.

1971 йил учун обуна қилиш 25 ноябргача давом этади. Ҳали вақт кўп. Иттифоқимиз ва республикамиз газета-журналларига обуна бўлишга улгурмаган ташкилотлар, якка шахслар алоқа бўлимларига, район матбуот тарқатиш агентликларига мурожаат қилсин.

Ишдан қориб қайтгач, аччиқ чойдан хўплаганча, газета ва журналларни варақлаш, дунё хабарларидан огоҳ бўлишга нима етсин, ахир.

✻ Қишлоқ—шаҳарга

БЎСТОНЛИҚ АРМУҒОНЛАРИ

«Келаси беш йилликда сув хўжалик қурилиши ҳажмини анча оширмоқ зарур».
(КПСС Марказий Комитетининг июль Пленумида Л. И. Брежнев докладидан).

«Ташводстрой» трести Чорвоқ сув омбори яқинидаги 2100 гектарлик майдонни ўзлаштириш учун шу кунларда ирригация ишларини олиб бормоқда. Бу ерларда Бўстонлиқ районининг «14-Ҳўжакент» ва «13-Бўстонлиқ» богдорчилик совхозлари жойлашади.

Ҳозир саккизта насос станциялари қуриляпти. «Бўстонлиқ» совхози шу йилнинг ўзида 280 гектар, келгуси йил эса «Ҳўжакент» совхози 500 гектар майдонни ирригаторлардан олишади.

●

БЕТХОВЕН ЙИЛИ

Халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг қарорига биноан, 1970 йил Бетховен йили деб эълон қилинди. Чунки буюк немис композитори Людвиг Ван Бетховен туғилган кунга шу йилнинг декабрида икки юз йил тўлади.

Бугун

Тошкент Давлат консерваториясидан олинган хабарда айтилишича 1 октябрдан очиладиган кузги-қишки концерт мавсуми Бетховенга бағишланади.

Бу мавсум программасида буюк немис композиторининг асарлари асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, мавсум очиладиган 1 октябрь куни фақат Бетховен асарларидан иборат бўлган концерт бўлади. Унда композиторнинг «1-симфония», «1-фортепьяно концерти» ва бошқа бир қатор асарлари ижро этилади. Октябрь ва ноябрь ойларида Бетховеннинг фортепьяно, скрипка ва виолончель учун ёзган сонаталаридан ташкил топган цикл концертлар бериш ҳам мўлжалланмоқда.

✻ *Теплоходга музей совғаси*

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР

Алишер Навоий номли республика адабиёт музейи улуғ шоиримиз номига қўйилган теплоход экипажи аъзолари билан доимий алоқа боғлаб турибди.

Теплоход сувга туширилгандан буён, унда ташкил қилинган кутубхонага музей коллективи Алишер Навоийнинг олти томлигини (рус тилидаги нашри) ва шоир ҳаётига оид мақолалар босилган журналлардан бир қанчасини юборди.

Бугун

теплоход капитани Юрий Степанович Иванов-нинг илтимосига кўра **музей коллективи теплоход кутубхонасини янада бойитиш учун бир қанча китоб ва альбомлар юборди.**

Юборилган совғалар ичида Алишер Навоийнинг метографияда босилган икки портрети, рус тилида чиққан шоир асарларининг 11 ва УIII томи, шоирнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган эсдалик альбом, ажойиб миниатюралардан ташкил топган «Бобирнома» ва ниҳоят, нишонлар, медальонлар бор.

Ҳ. МИРЗАЕВА,
Алишер Навоий номли адабиёт музейининг кичик илмий ходими.

Яхши дам-зафарга ҳамдам

ИШЧИЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

1-ун комбинати партия ва касаба союзи ташкилоти ҳамда корхона маъмурияти ишчиларнинг яхши дам олишлари ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Илғор ишчилардан оғир кишн арзонлаштирилган йўлланмалар билан Иттифоқимиздаги янрик саноторияда даволанишди. Меҳнат илғорларидан ўн уч кишига дам олиш уйларига бепул йўлланмалар берилди.

Корхона ишчи ва хизматчиларининг фарзандлари ҳам бу йилги ёзни соз ўтказишди. Саксон беш нафар ўғил-қиз пионер лагерида мароқлиб ҳордиқ чиқарди.

Ишчи ва хизматчиларимизга қилинаётган ғамхўрлик ва уларнинг ўз вақтида дам олишлари учун яратилаётган шароитлар туфайли комбинат коллективи пойтахтимиздаги бошқа корхоналар орасида илғорликни қўлдан бермай келяпти.

А. ҲОЖИХОНОВ,
комбинат мастери.

ИНСТИТУТДА ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ

Институтга киролмадингиз, балл етишмади ёки имтиҳондан йиқилдингиз. Нима қилиш керак? Уқишга эса ҳавас жуда зўр.

Пойтахтдаги кўпгина олий ўқув юртлари қошида тайёрлов бўлимлари ишлаб турибди. Бу ерда саккиз ой ўқигандан кейин, институтнинг биринчи курсига имтиҳонсиз қабул қилинади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва ирригация инженерлари институти қошида биринчи марта тайёрлов бўлимлари очилди. Бу бўлимларда институтнинг барча факультетлари учун бўлажак студентлар группа ҳолида ўқитилади.

Бугун

Улар республика колхоз ва совхозлари тавсияси билан юборилган ёшлардир. Машғулотлар биринчи октябрдан бошланади.

тайёрлов бўлимига 225 йигит-қизнинг ҳужжати қабул қилиниб, факультет группаларига бўлинди.

СЕЙСМИК ПОЛИГОН

Пульс уриши! Бу ҳар бир тирик жонда содир бўладиган ҳолатдир. Бироқ ана шу «пульс уриш»нинг Она-ерда қандай аҳамиятини нима билан аниқлаш мумкин?

Худди шу жумбоқни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг сейсмология илмий-тадқиқот институти коллективи ечмоқда. Улар маълум районларда ер қимирлашнинг олдини олиш имкониятларини ишлаб чиқмоқдалар.

Институт маъмурияти пойтахт областида махсус геофизик полигон қуришга қарор қилган эди. Қурилиш бошланди. Сейсмик полигон майдони 10 минг квадрат километрни ташкил қилади.

✻ ФУТБОЛ

ДЎСТЛИК ҒАЛАБА ҚИЛДИ

Кеча

Марказий «Пахтакор» стадионида халқаро ўртоқлик учрашуви бўлиб ўтди. Майдон эгалари — «Пахтакор» командаси дўст Афғонистон футболчилари билан ўйнадилар.

Ўзбекистон ва Афғонистон футболчиларининг биринчи ўртоқлик учрашуви 1956 йили бўлиб ўтган эди. Ўшандан бери турли номдаги афғон командалари билан пахтакорчилар ўн марта ўйнадилар. Бу учрашувларнинг саккизтаси ўзбек футболчиларининг ғалабаси билан, икки ўйин дуранг натижа билан тугаган эди.

Кеча улар ўн биринчи марта беллашдилар. Пахтакорчилар ўйинининг ҳар икки тайма да меҳмонлар дарвозасига учтадан тўп киритиб, 6:0 ҳисоби билан ғалаба қозондилар. Тўпларни Иброҳимов —2 та, Абдураимов — 2 та, Солохо ва Исоқов киритдилар. Тажрибали дарвозабон Саъдулла капитан бўлган Афғонистон терма командаси айрим пайтларда яхшигина маҳорат намойиш қилди, ҳисобни ўзгартириш учун бир неча марта қулай имкониятларга эга эди.

Учрашув чинакам дўстона вазиятда ўтди. Кўпчилиги ёш футболчилардан иборат бўлган Афғонистон терма командаси тажрибали рақибларидан кўп нарсани ўрганишди.

Афғонистонлик футболчилар республикамизда яна бир неча ўртоқлик учрашувн ўтказадилар.



Шаҳардаги 22-ҳунар-техника билим юрти малакали қурувчи кадрлар тайёрлайдиган энг яхши билим юртларидан бири. Билим юртида ижодий техника тўгараги мунтазам ишлаб турибди.

СУРАТДА: тўгарак раҳбари А. А. Бессонов (чапда), директор А. И. Давидовлар тўгарак аъзолари яратган «Петрограддаги броневик»ни Ленин район партия комитетининг секретари М. М. Қаҳҳоровга топширмоқда.

М. Гасаев фотоси.

●

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ЛОКАРНОДА КИНОФЕСТИВАЛЬ

ЖЕНЕВА. (ТАСС). Локарнода Венгриянинг машҳур кинорежиссёри Иштван Сабонинг сўнгги асари «Муҳаббат тўғрисидаги фильм» картинасини кўрсатиш билан 23-халқаро кинофестиваль бошланди.

11 кун ичида шаҳардаги энг катта кинотеатрларнинг экранларида жаҳондаги 20 мамлакатнинг 31 та тўла метражли ва 53 та қисқа метражли картиналари намойиш қилинади.

Локарно кинофестивалининг ўзига хос хусусияти шуки, конкурсда кинорежиссерларнинг биринчи ёки иккинчи асарларигина қатнашади. Бу — ёш кинематографчилар учун кенг йўл очиб беради.

Утган фестивалда ленинградлик режиссер Глеб Панфиловнинг «Оловдан ўтар жой йўқ» фильми тўртта асосий мукофотларнинг бирини олган эди. Бу йил Совет Иттифоқидан режиссер Э. Эшмуҳамедовнинг «Севишганлар» картинаси («Ўзбекфильм» киностудияси) кўрсатилади.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МУСУЛМОНЛАРИ ТЎҒРИСИДА КИТОБ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Миср давлат нашриёти «Ат-таҳрир» «Совет Иттифоқи мусулмонлари билан биргаликда ўтказилган етти кун» китобини кўп нусхада босиб чиқарди. Бу китобни Мисрнинг машҳур журналисти ва ёзувчиси Абдалла Навар ёзган.

Китобда авторнинг Совет Иттифоқига қилган сафари, унинг советлар мамлакатидаги мусулмонлар билан учрашувлари ва суҳбатлари тўғрисида ҳамда Совет ҳокимияти ўрта Осиёдаги Совет республикаларида яшовчи мусулмон аҳолисига нималар берганлиги ҳақида гапирилади.



Сурия Араб Республикаси. Дамашқда очилган 17-халқаро ярмаркада 26 мамлакат ва 16 фирманинг моллари кўргазмага қўйилган. Совет Иттифоқи бу ярмаркаининг доимий қатнашчиси. Ярмаркада 22 совет ташқи савдо ташкилотлари 1500 экспонат билан қатнашмоқдалар.

СУРАТДА: томошабинлар совет тўқимачилик машиналари билан танишмоқдалар.

К. Ампилов фотоси. (ТАСС).

●*Партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари*

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАРБИЯЛАЙЛИК

Партия ва ҳукуматимиз чет тиллари бўйича малакали кадрлар етиштиришга алоҳида эътибор беради. Хусусан, республикада, қолаверса, Ўрта Осиёга қўплаб чет тиллари ўқитувчилари тайёрлайдиган ягона билим даргоҳи — Ф. Энгельс номидаги Тошкент чет тиллари педагогика институтидир.

Студентларнинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан пухта билим олишлари ва профессор-ўқитувчиларнинг яхши дарс ўтишларида институт партия комитети яқиндан ёрдам бераяпти.

1969-1970 ўқув йилида ўзлаштириш ўтган йилгидан бирмунча яхши бўлди. Бунда партия комитетига факультет партия ташкилотлари (кечки-сиртқи ташкилот ҳам) яқиндан ёрдам берди. Инглиз тили факультети (партия ташкилоти секретари, катта ўқитувчи К. А. Сафарова) ва француз тили факультет (партия ташкилоти секретари, доцент Т. Ф. Файзиев)ларида партиявий сиёсий ишлар намунали йўлга қўйилди. Ҳар икки ҳафтада студентлар билан меҳнат ветеранлари, Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг учрашувлари ташкил этилди.

Партия комитети «Билим» жамиятининг институт бўлимига(жамият раиси, фалсафа фанлари кандидати, доцент Ф. А. Аъзамов) мунтазам раҳбарлик қилди. Жамият аъзолари — профессор-ўқитувчилар, юқори курс студентлари ўтган ўқув йили мобайнида мингдан ортиқ лекция ўқидилар.

В.И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган лекция ва суҳбатлар шаҳарнинг қўпгина корхоналарида, Сирдарё областидаги «3-Боёвут» совхози ва Самарқанд-Дарвоза маҳалласида бўлиб ўтди.

Партия комитети институтда ўқув-педагогик ишларнинг яхши йўлга қўйилишидан ташқари илмий кадрларнинг фан оламини эгаллашда шароит яратиб беришга контроллик қилди. Ўтган ўқув йилида институт ўқитувчиларидан ўн бир киши фан кандидати деган илмий даражани олди. Шулардан кўпчилиги чет тиллари мутахассисларидир.

Институт қошида олий педагогик ва факультатив курслар ишлаб турибди. Бу курсларда коммунист-ўқитувчилар дарс беришяпти. Ўтган ўқув йилида факультатив курсни Ўрта Осиё ва Қозоғистон олий ўқув юртларидан келган саксон нафар чет тиллари ўқитувчилари битиришди.

Институт партия комитетининг ҳисобот-сайлов йиғилишида унинг секретари, доцент К. Р. Раҳмонбердиев ана шулар ҳақида тўхталди. У шунингдек, партия комитети бюросининг ректоратга ўқув-педагогик ишларда яқиндан ёрдам бергани билан бирга, 1968-1969 ўқув йилидаги ҳисоботида қўйилган вазифаларнинг баъзилари бажарилмаганлигини ҳам айтиб ўтди. Жумладан, студентлар ётоқхонаси масаласи ҳамон ҳал қилинмаган. Институтнинг фақат 700 студенти ётоқхонада истиқомат қилади. Қолганлари эса ижара уйларда туришади. Буни партия комитети бюроси ва ректорат ҳал этишлари керак.

Сўзга чиққан коммунистлардан В. Ф. Тельцов, Т. Ж. Жўраев, Н. Авазбоев, С. Х. Файзуллина, К. Жуманиёзов ва бошқалар ҳам келгусида чет тиллари бўйича кадрлар тайёрлашда коммунист ўқитувчиларнинг вазифалари ҳақида гапирдилар. Коммунист ўқитувчилар партиянинг навбатдаги XXIV съездини студентларга пухта таълим-тарбия бериш билан кутиб олишга аҳд қилдилар.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида Чилонзор район партия комитети агитация ва пропаганда бўлими мудири Г. С. Ғойибова қатнашди.

К. НОРМАТОВ.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. СУРАТДА: Лохутий кўчасининг кўриниши.

●БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ТОБЛАНГАНЛАР

Ҳури опа терилган гранкани номер ёзилган махсус катакка энди қўйган ҳам эдики, цех бошлиғи Валентина Анани келиб қолди.

— Ҳурихон, сенга янги буюртма олиб келдим,— деди у қўлидаги бир даста қоғозларини узатар экан.— Шуни икки-уч кун ичида тайёрлаб, босма цехига ўтказишимиз керак.

Қайта верстка қилиш учун нашриётдан юборилган саҳифаларни секин варақлаб қараган Ҳури опа иш ҳақиқатдан ҳам оғир экан, деди. Айрим саҳифалар корректура белгилари билан тўлиб тошган.

Бошлиқ кетгач, ҳарф терувчи ишга киришар экан, шу буюртмани тезроқ тайёрлаб беришни боя босма цехидан ҳам сўрашаётганини эслади. Саҳифалар устида чаққон қўллар ҳаракат қила бошлади. Бу қўллар нотўғри тушиб қолган ҳарфларни эпчиллик билан олиб ташлар, унинг ўрнига кераклигини қўярди.

Цех бошлиғи бу ишни Ҳури опага топшириб адашмаган эди. Ҳар бир саҳифаси учун бир соатдан вақт мўлжалланган бошлиқ бир лист икки сменада тайёр бўлса керак, деб ўйлаган эди.

Эртаси тушликка чиқиш пайтида Ҳури Қосимова ишни топширди. У топшириқни белгиланганидан беш соат илгари сифатли қилиб бажарди.

Ҳа, ҳарф териш цехининг бошлиғи Валентина Андреевна Ҳури опага ишонади. Кўп йиллардан бери бирга ишлаш жараёнида уларнинг характерлари, одатлари бир-бирига беш қўлдек аён бўлиб қолган. Бу икки дугона бир-бири билан биринчи марта уруш йиллари шаҳардаги 9-ҳунар-техника билим юртига ўқишга келганда танишган эди. Ўшанда Валя ҳам Ҳурихондек бўйи ҳарф кассасига гоҳ етиб-гоҳ етмайдиган сариқ сочли жажжигина қиз эди. Шунга ҳам чорак асрдан ортиқ вақт ўтиб кетибди.

1945 йил билим юртини битирганидан сўнг, улар 1-босмахонага ишга келишди. Уларнинг ҳарф теришга ҳали ҳеч ўрганмаган қўллари ҳарф кассасида адашар, керакли ҳарфлар ўрнига бошқасини териб қўярди. Шундай пайтларда, улар цехдаги илғор ҳарф терувчиларнинг ишларини кузатишар, тажрибаларини ўрганишарди. Интилишлар зое кетмади. Тез орада қизлар илғор ҳарф терувчилар қаторидан ўрин олдилар.

Бу ерда бир неча йил ҳалол меҳнат қилиб, коллектив эътиборини қозонгач, Ҳури Қосимова 1953 йили 3-босмахонага ҳарф териш цехининг бошлиғи қилиб кўтарилди. У янги иш жойида ҳам барча ишчилар билан тил топиб, ўрнак кўрсатиб ишлади. Доҳий В. И. Ленин Танланган асарларининг 35 томлиги ўзбек тилида сифатли босилиб чиқарилганлиги учун Ҳ. Қосимова Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан икки марта тақдирланди. 1956 йили яна 1-босмахонага ишга қайтди.

Меҳнатда чиниққан коммунист Ҳури Қосимова ҳозир босмахонанинг юқори разрядли илғор ҳарф терувчиси, ёшларнинг севимли устози. Унинг сурати Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг «Ҳурмат тахтаси»дан муносиб ўрин олган.

Дугонаси В. Ананина ҳам фидокорона меҳнати туфайли кўпчилик эътиборини қозонди. Бу йиллар давомида у СССР Министрлар Совети Матбуот Давлат Комитети ва корхона маъмуриятининг Фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор мукофотланди. Мана уч йилдирки, у ҳарф териш цехига бошчилик қиляпти.

— Булар мен цех бошлиғи пайтлари ишга келган эди,— дейди республикадаги таниқли матбаачилардан бири, корхона касаба союз комитетининг раиси, Ленин орденли Мурод ака Мансуров.—Мана 27 йил бўлибди шунга. Планни оширib бажармаган пайтини эслолмайман. Ҳурихон шаҳар Советига депутат бўлиб сайланди, меҳнати бир неча бор тақдирланди. В. Ананинани эса коллектив цех бошлиғи лавозимига кўтарди.

Шу кунларда, улар ишлаётган ҳарф териш цехида иш қизиб кетган. Цех коллективи тўққиз ойлик план топшириқларини муддатидан илгари ошириб адо этди. Планга қўшимча икки минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Илғор ҳарф терувчилардан Ҳ. Қосимова билан В. Ананинагина эмас, балки Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, «Ҳурмат белгиси» орденли Муборак Холматова, Фарида Хабибулина, Лида Мальцева, версткачи Мила Королева, Муборак Ҳасанова каби ўнлаб илғорлар кунлик ва ойлик топшириқларини бир ярим ҳиссадан бажариб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда. Улар беш йиллик шахсий топшириқларини аллақачон бажариб қўйишган. Бирнеча ойдан бери 1971—72 йил ҳисобига меҳнат қилишмоқда.

Коллектив партиянинг XXIV съезди олдидан бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар олган.

Цех аъзоматлари беш йиллик ишлаб чиқариш планини — 1 октябрда, йиллик планни —25 декабрда бажариш, планга қўшимча ўн минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан корхона коллективи қабул қилган социалистик мажбуриятларни бажаришда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшяптилар.

Шунингдек, беш йилликнинг сўнгги йилида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 1969 йилдагига нисбатан бир неча центга ошириш, ўн тонна қоғоз, 20 тонна ёқилғи ва 20 минг киловатт соат электр энергия тежаб қолиш, пландан ташқари, 20 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш учун астойдил кураш олиб боришяпти.

М. ЭРАЛИЕВ,
1-босмахона нашриёти.

Комсомол турмуши

ИБРАТЛИ ТАДБИР

ВЛКСМ XIV съезди ёшларни Ленин васиятлари руҳида тарбиялашни, йигит ва қизларга марксча-ленинча назарияни пухта эгаллашда ёрдам беришни, уларни партия иши учун, коммунизм ғалабаси учун саботли курашчилар қилиб тарбиялашни комсомолнинг муҳим вазифаларидан қилиб қўйди.

Буларни муваффақиятли ҳал этишда комсомолларнинг сиёсий ўқуви катта роль ўйнайди.

Маълумки, В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига тайёргарлик даврида ёшларда доҳийимиз В. И. Ленин асарларини, у асос солган КПСС тарихини пухта ўрганишга қизиқиш анча ошди. Владимир Ильич Ленинининг биографиясини ўрганишни ҳамда Партия ҳақида суҳбатлар тўгарагига қатнашишни истовчилар сони тобора ошиб бормоқда.

Шаҳар корхоналаридаги партия ҳақида суҳбатлар комсомол тўгарагининг асосий қатнашчилари олий маълумотли кишилардир. Бу тўгарак пропагандистларига Тошкент шаҳар ва область комитетларининг сиёсий маориф уйлари катта ёрдам бермоқда.

Яқинда сиёсий маориф уйи область комсомол комитети билан биргаликда биринчи марта Партия ҳақида суҳбатлар тўгарагининг раҳбарлари учун беш кунлик семинар ўтказди. Бир ҳафта давомида юзга яқин комсомол-пропагандист Тошкент Давлат университети ва педагогика институти олимларининг КПСС тарихи курси бўйича ва тўгаракда машғулотлар ўтказиш методикасига доир лекцияларини тингладилар.

Тошкент олий партия мактабининг катта ўқитувчиси Газиз Алекперович Исеев ва Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Омил Исҳоқов ўзлари қатнашган комсомол съездлари таассуротларини семинар-қатнашчилари билан ўртоқлашдилар.

Сиёсий маориф уйи ходимлари жойларда бўлиб, пропагандистлар ва тингловчилар билан суҳбатлашдилар, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини назарга олиб, семинарга пухта тайёргарлик кўрдилар. Ўйлаймизки, улар ўқув йили давомида ҳам Партия ҳақида суҳбатлар комсомол тўгараги бошлиқларининг ишини яхши кузатиб, уларнинг тажрибаларини оммалаштириб борадилар, тегишли назарий ва методик ёрдам берадилар.

С. НИШОНБОЕВ.



Шаҳримиз тикув корхоналарида ҳам КПСС XXIV съезди шарафига бошланган съезд олди социалистик мусобақаси соат сайин қизимоқда. Кўпгина корхоналардаги цех ва участкалар 1971 йил топшириқларини ado этишга киришаётирлар. Мана шундай илғор корхоналар қаторига «Юлдуз» тикувчилик фирмаси чеварлар коллективини ҳам кўрсатиш мумкин. Бу коллектив ўртасида юбилей йили топшириқларини муддатидан илгари адо этиш, хом ашё ва вақтни тежаш бўйича мақтовга сазовор тадбирлар амалга оширилмоқда.

СУРАТДА: фирма 6-цехининг зарбдор чеварн, цех бошлиғи ўринбосари Робия Султонхонова.

М. Нуриддинов фотолари.

Колхозчиларга ёрдам

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларидан руҳланган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси тупроқшунослик илмий-текшириш институтининг коллективи қишлоққа кўрсатилаётган ёрдамини янада кучайтиришга қаратилган бир қатор амалий тадбирлар белгиладн. Жумладан, олимлар зонал агрохимия лабораторияларига махсус картограммалар тузишда яқиндан ёрдам берадилар, район актпвларининг йиғилишларида ҳоснлдорликни ошириш йўллари, тупроқни ишлаш сирлари, сувдан унумли фойдаланиш ва бошқа зарурий масалалар юзасидан маслаҳатлар берадилар.

Яқинда институтнинг катта илмий ходимлари А. Эргашев, Н. Глинская, И. Матюнинлар Бўка районида бўлиб, қишлоқ меҳнаткашларини қизиқтирган масалалар бўйича консультация бердилар.

Чилонзорликлар далада

Маълумки, улкан саноат шаҳри бўлган Тошкент Сирдарё областини ўз оталичига олган, жумладан, Чилонзор райони ана шу областдаги Боёвут район деҳқонларига яқиндан ёрдам бермоқда. Ҳозир бу ерда чилонзорлик олтмиш шофер машиналарни бошқариб, етиштирилган пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда деҳқонларга яқиндан ёрдам бермоқда. Шунингдек, Чилонзор район меҳнат аҳли йўллаган олтита техника ёрдами машинаси ҳам пахтакорларнинг меҳнатини енгиллаштираётир.

Шаҳримиздаги, барча район меҳнаткашлари қатори чилонзорликлар ҳам 4 миллион 400 минг тонналик республикамиз пахта хирмонига ўзлари терган «оқ олтин» билан ҳисса қўшишга бел боғлаганлар. Ўтган шанба ва якшанба кунлари чилонзорликлар Янгийўл районидаги Н. Ниёзов номли, Свердлов номли ҳамда «Партия XXI съезди» колхозларида бўлиб, 60 тонна пахта териб бердилар. Бундай ҳашарни улар келгуси шанба ва якшанбаларда ҳам давом эттирадилар.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

Оворагарчилик

Мен Марказий универмагдан «Романтика-М» маркали магнитофонли радиоприёмник харид қилган эдим. Шундан бери бу катта радиоприёмникни Чилонзорнинг «Зангори экран» устахонасига уч марта олиб бориб ремонт қилдирдим. Ундан кейин икки марта уйга келиб ремонт қилишди.

Энди олиб бориш, олиб келиш ва устахонада кутишдаги вақтни ҳисоблаб кўрсангиз. Инсон учун ҳар бир минут нечоғлик қадрлилигини ҳам-мангиз биласиз-ку!

Шу йилнинг 13 ноябрида радиоприёмникни сотиб олганимизга бир йил тўлади, бу вақт ичида беш марта ремонт қилинган бўлса, бунинг учун ўн кун вақтим, олиб бориш ва олиб келиш учун бир қанча сўм ва радиони олиб кетаётганимда қўни-қўшниларнинг: «кўчиб кетяпсизми?» — деб эслатганлари, болаларимнинг «радионн сотиб юбордингизми?» — деб сўраганларини эслаб, энди гарантияси тугаганидан кейин, бир йилда неча марта олиб борар эканман, деб ўйладим.

Гарантия бўйича ремонт қила олмаймиз, деб справка ёзингиздар, дедим. Ремонт қиламиз, дейишди. Справка беришмади. Магазинга бориб, мен олган «Романтика»нинг магнитафони ишламаяпти, дедим, улар ҳам аҳамият беришмади.

Бу тўғрида «Зангори экран» директорига, заводга хат ёздим...

Ҳозирги кунда 25 рақамли квитанция билан 167121 рақамли «Романтика-М»ни яна ўша Чилонзордаги «Зангори экран»га топшириб қўйганман. Ўша ердаги ўртоқлар одамларнинг қимматли вақтига ачинишмайдими, а? Нега ҳадеб сарсон қилаверишади?

Т. МЎМИНОВА,
ўқитувчи.

Киоска— копток эмас

Собир Раҳимов бекатида бундан бир неча йил илгари киоска очилганида, шу ернинг аҳолиси жуда хурсанд бўлди. Нега деганда, энди газета ва журнал харид қилиш учун узоққа борилмас эди. Ҳар ҳолда керакли матбуотни эртами-кечми олиб турдик. Лекин шунисн қизиқки киоска очилганидан бери бу ерда ўндан ортиқ киши келиб хизмат қилиб кетди. Энди киоскачи билан танишиб, «Керакли нарсаларни етказиб туринг» деб турилганда бошқаси келиб қолади. Киоска — копток эмас, нега бир кишидан иккинчи бир кишига ошнрилаверади.

Мана, кейинги вақтларда киоска камдан-кам ишлайдиган бўлиб қолмоқда. Натижада сотилмай қолган газета ва журналлар тўпланиб ётибди. Кечки газеталарни ҳам эртасига эрталаб оламиз. Гавжум жой бўлишига қарамай, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари кечқурун сотилмайди.

Шу йил 11 сентябрда кундуз соат 10 лар чамаси эди .Газетхонлар киоска олдида тўпланишиб туришар, киоскачидан дарак йўқ. Тўпланганлар киоскачининг вақтида ишламаслигидан, шанба ва якшанба кунлари бир кўринниб шу билан бадар кетишидан шикоят қилардилар.

У. ИСМОИЛОВ,
газетхон.

●ИШЧИ МИНБАРИ

КЎТАРИНКИ РУҲ БИЛАН

Шу кунларда К. Е. Ворошилов номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг машинасозлари жонжон партиямизнинг бўлажак XXIV съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, кўтаринки руҳ билан меҳнат қилишмоқда.

Корхонамиз 15-механика-йигув цехи меҳнат аҳлининг йил охиригача пландан ташқари юз минг дона шпиндель ишлаб чиқариб, пахтакор хўжаликларга жўнатиш юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусини заводнинг барча цех ишчилари қўллаб-қувватламоқдалар.

Кечанинг ўзида смена-мастери Қосимов раҳбарлигидаги ишчилар 3700 ўркига 5000 дона шпиндель беришди. Абдуллазизов, Погодин ва Кучеренко каби фрезерчилар кунлик топшириқларини бир ярим баравардан адо этишмоқда.

Маълумки, корхонага яқинда республикамизнинг турли саноат корхоналаридан келган 60 дан ортиқ ишчи ҳам унумли меҳнат қилишяпти. Уларнинг ичида А. Столяров ва Д. Струков сингарилар пешқадамлар сафидан ўрин олишди.

Заводнинг барча цехлари қатори, 10-пресслаш цехида ҳам съезд олди мусобақаси тобора кенг қулоч ёймоқда. Бир қанча бригадалар ва ишчилар илгари зиммага олган планларини қайта қараб чиқиб, янги қўшимча мажбурият қабул қилдилар. Цехнинг Н. Саттопов, Ш. Сайфулин, С. Шодиев, Н. Сафин, И. Кожевников, В. Запольский, Б. Шомуродов ва Б. Абдуллаев сингари пешқадам ишчилари ўз имкониятларини қайтадан қараб чиқиб, йиллик планни 25 декабргача эмас, балки 15 декабргача бажаришга қарор қилишди.

Ҳозир эса, бу пешқадамлар кунлик топшириқларини 120—130 процентдан уддалашяпти.

Ишчиларимиз меҳнатда эришадиган ҳар бир зафарларини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXIV съездига бағишламоқдалар.

М. МЎЙДИНОВ,
слесарь.

●

«Ташгаз»га қарашли газ қуйиш станциясининг ишчан коллективи ҳар куни шаҳар аҳолиси, умумий овқатланиш тармоқлари ҳамда металл ишловчи корхоналар учун 2 минг 400 баллон қисилган газ жўнатади.

СУРАТДА: газ қуйиш цехининг зарбдор ишчиларидан Фарид Маҳсумов билан Тўра Усмонов ўртоқлар газ тўлдирилган баллонларни жўнатиш учун ҳозирлаётирлар.



●

Жонажон Ватан бўйлаб

КУРОРТ МАВСУМИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

СОЧИ. Ёз тугаган бўлса ҳам курорт мавсуми давом этмоқда. Сочида кунлар илиқ, шифохоналар ва шаҳар пляжлари ишлаб турибди. Денгизда сувнинг иссиқлиги 23 даражадан ортиқлик қилади.

Ҳар куни самолётлар ва йўловчилар қатнайдиган поездлар курортга кўпдан-кўп кишиларни дам олиш ва шифоланиш учун олиб келиб турибди. Бугун «Кавказская ривьера», Оржоникидзе номли. «Металлург» санаторийлари, пансионатлари ва бошқа шифохоналар отпускага келган чиниларнинг катта группасини қабул қилиб олди. Курорт бюроси курсовкаларни сотишни тагин бошлаб юборди.

(ТАСС).

АВТОМОБИЛЬ ТАШИЙДИГАН ЭКИПАЖ

Орёлдаги автотранспорт илмий-тадқиқот институти тажриба заводининг мутахассислари енгил автомобиль ташиладиган икки қаватли ярим прицеп арава ясадилар. Унинг узунлиги 15 метрга боради ва «Волга» ёки «Москвич» маркали машиналардан 6 тасини сиғдиради. Бу экипажни тягач машина тортади.

Экипажнинг биринчи намунаси заводда синаб кўришга топширилди.

(ТАСС мухбири). Орёл.

ОПОШНЯНИНГ СОПОЛ БУЮМЛАРИ

Полтава областидаги Опошня деган қадимий бир шаҳарча ўзининг сопол буюмлари билан кўпчиликка машҳур. Г. Черевань мана шу машҳур кулолларнинг ишига бағишлаб ёзган «Опошня сополи» деган китобини «Праπор» нашриёти босиб чиқарди.

Кўп расмлар билан безатилган бу китобда турли бўғинларга мансуб бўлган халқ усталари, уларнинг ўзига хос ижоди ҳақида ҳикоя қилинади. Вазалар, товоқлар, ўйинчоқлар чиқараётган «Художественний керамик» заводига китобнинг катта бўлими бағишланган.

ПАРРАНДА БОҚИЛАДИГАН ШАҲАРЧАЛАР

Олмаотадаги жўжа очирадиган паррандачилик фабрикасининг қурилиши яқинда тугади. Бу фабрика йилига икки миллионта жўжа боқади. Қозоғистонда пархез гўшт етиштирадиган бу йирик корхонада қирққа яқин механизациялаштирилган бино бор. Паррандалар автоматик қурилмалар ёрдамида боқилади ва суғорилади, ана шу автоматик қурилмалар микро иқлимни бир меъёрга солиб туради. Жўжаларнинг вазни етмиш кундан кейин 1 килограмм 300 граммга етгач, магазинларга жўнатилади.

Ҳозир республикада бешта ихтисослаштирилган фабрикада ва бир қанча колхоз ва совхозларнинг фермаларида парранда гўшти етиштирилаётир. «Птицепром» хўжаликларида беш йилликнинг бошидан буён парранда гўшти етиштириш қарийб беш баравар кўпайди. Бу ерда ана шу вақт мобайнида тухум етиштириш етти баравар ортди. Эндиликда барча область марказларининг яқин атрофида, кўпгина саноат шаҳарлари ва ишчи посёлкалари атрофида парранда боқиладиган шаҳарчалар бор.

ТАСС мухбири.
ОЛМАОТА.

✻ ТАНИШИНГ, ҲАМШАҲАРИНГИЗ

Юрак қўри билан

Яқинда бўлиб ўтган республика бадиий кўргазмасида ипак билан тикилган доҳиймизнинг портрети яққол кўзга ташланиб турди. Моҳирона тикилган сурат ҳамманинг диққатини қамрагани бежиз эмас. Уни республика халқ рассоми Фазилат Сайдалиева юрак қўри билан ижро этган. Бу иш В. И. Ленининг юз йиллик юбилейига бағишланган республика конкурсида юқори баҳоланиб, олий мукофот олишга сазовор бўлди.

Ҳаммага баравар манзур бўлган ажойиб ижоднинг сири нимада?

Мен Фазилатнинг иш тикаётганини мириқиб кузатиб турганман. У ишни шундай меҳр, қўр, илиқлик билан тикадики, қалбида гўё баҳор офтоби шуъла сочиб турган-дай, энг эзгу ҳислар тўғён ургандай бўлади.

Шаҳар марказидаги ҳар жиҳатдан қулай, замонавий уйларнинг бирида яшаётган бу аёл хоналарининг бирини устахона қилиб олган. Устахонасини тўмоша қилар экансиз, унинг халқ ижоди анъаналарини тўлатиб, бойитиб, доимий изланиб, янгиликка интилаётганини кўрасиз.

Фазилат жуда ёшлигидан расм сола бошлади. Дастлаб хиёбонлар, отлар расмини солди. Кейинчалик нақшлар чиза бошлади. Бундан ўттиз олти йил муқаддам педагогика техникумини битирди. Бироқ рассомликка бўлган муҳаббати уни халқ ижоди уйининг рассомлик студиясига етаклаб келди. Бу ерда унга Валентин Фадеев ва Абдулҳақ Абдуллаевлар ёрдам беришди.

У дастлаб замғори шойига оқшойи ип билан Алишер Навоийнинг портретини тикди.

Кейинчалик унинг пано-сида чанокдаги очилиб турган пахталар пайдо бўлди. Бу унгагина хос моҳирлик ҳаммани танг қолдирди. Шу-шу бўлдию, у маълум мавзуга бағишланган панно-лар ва мозаикали компо-зициялар тикув санъатида алоҳида ўрин тутишини чуқур тушунди. Айрим нақшларга ўзича ёндошиб, янгича талқин, оригинал сўзаналар ўйлаб чиқара бошлади. Аввал-лари сўзаналарда қуёш, ой, хаёлдаги инсон-жинслар ҳамласидан сақлайдиган турли хил пиҳоқлар тикилган бўлса, ҳозир Сайдалиева қўлидан чиқаётган сўзаналар-да ўсимликлар дунёсининг бутун гўзаллиги табиийдек жилоланади.


Рассом тикувчилик санъатига анор, узум, олма, пахта каби янги нақшлар олиб кирди.

Устахонасидаги сон-саноқсиз эскизлар, машқларидан рассомнинг ўз устида нечоғлик кўп ишлаганини билиб олиш мумкин.

Кейинги йилларда Фазилат адабиётдаги буюк классикларимиз, ўзбек адабиёти ва санъати арбобларидан бир неч-тасининг расмини тикди. Рассом бош кийими ва уст кийимларини миллий нақшлар билан безашда ҳам кўпгина ишлар қилди. Унинг қўлидан чиққан ҳар бир иш одамга эстетик завқ бағишлайди.

О. АПУХТИН.

ЯНГИ РАДИО МОЛЛАРИ




Мамлакатимиз радио саноати корхоналари халқимизнинг ўсиб бораётган дид ва талабларини ҳисобга олиб бир қанча янги радиола, магнитофон ҳамда транзистор намуналарини яратдилар.

СУРАТДА: энг замонавий талабларга жавоб берувчи «Рига—101» радио комплекти. Бундан тантанали маросим ва кечаларда ўринли фойдаланиш мумкин. Пишиқ ва бежирим ишланган Вильнюс радио заводининг маҳсулоти бўлган «Вильма-М-1» ва «Дойна» магнитофонлари.

М. Нуриддинов фотолари.





✻ СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ток кесиш

Ҳовлимиз кичик бўлса ҳам ток экканмиз. Узум яхши-да. Ёзда соясн, кузда меваси бор. Бу беш-олти туп токимизнинг парваришига келганда пича қийналиб қоляпмиз. Соҳибкорларни чақириб кестирар эдик. Уларнинг ҳадеганда вақтлари бўлавермайди. Токни кесишда нималарга аҳамият бериш кераклиги тўғрисида тегишли маслаҳат берилса, ўзимиз уннаб кўрсак, қандай бўлар экан, деган эдик. Бу фикрга сизлар нима дейсизлар?

М. ҚОСИМОВА,
тикувчи.

Ҳовлисида ток кўкартираётган ва унинг парваришида қийналиб қолаётган одамлар оз эмас. Шу туфайли, биз мазкур хат билан мутахассисга мурожаат этдик. Қуйида ток кесиш ҳақида махсус материал ёритамиз.

ТОК бир ерда ўн йиллаб ривожланади. Уни яхши ўстириш учун ҳар йили кесиб, маълум шаклга солинади. Ток туплари кесиб турилмаса, унинг занглари катталашиб тез қарийди, пастки қисми яланғочланиб, ҳосили юқоридаги новдаларда-гина пайдо бўлади. Уни ҳар йили кесиб маълум шакл бериб борилса, яхши ривожланади, узоқ яшайди ,кўп ва сифатли ҳосил беради, иссиқлик ва ёруғликдан яхши фойдаланади. Шунинг-дек илдиз системасининг ривожланиши билан ер устки қисмларининг ривожланиши ўртасидаги муносабат тартибга солинади ва касалликларга қарши курашиши анча қулайлашади. Ток, асосан, учинчи йили ток кесишда симбағазда ўстириладиган токларда уч-тўрт занг ва ҳар бир зангда уч-тўрттадан шу йилги новда (маданг) қолдириб кесилади. Занглнинг юқори қисмидаги новдалар ўрта ҳисобда саккиз-ўн икки, пастки қисмдагиларда эса, тўрт-саккиз куртак қолдирилиб кесилади. Новдалар соғлом, бақувват, яхши пишиб етилган бўлиши керак.

Ток туплари кўмилаётганда ҳамда очилаётганда, синган ёки зарарланган занглариннг ўрнини қоплаш мақсадида, кундадан чиққан новдалардан бир-иккитаси саккиз-ўн куртак қолдириб кесилади. Агар занг кузда, токларни кесиш вақтида алмаштирилмаса, улар олиб ташланиб, ўрнига бир-иккита маданг қолдирилади.

Симбағазга кўтарилган уч ёшли ҳар бир ток тупида тўртта занг, ҳар бир зангда эса, уч-тўрттадан маданг қолдирилиб, катта ёшдаги ҳамда сўрида ўстириладиган ток тупидаги занг ва маданглар сони унинг ўсиш кучига, навига қараб кўпайтириб борилади. Хўраки ҳамда майизбоп ток навларининг новдалари ўсиш кучига қараб ўн-ўн беш, ҳатто йигирма кўзгача, винобоп навлар эса олти-ўн, ҳатто ўн икки — ўн беш кўзгача қолдирилиб кесилади. Ток кесишда ҳар икки-уч ҳосил новдага бир ёки иккитадан ўринбосар новда қолдирилиб, улар икки-уч кўзли қилиб кесилади.

Ток ўстиришнинг бир неча шакли мавжуд, бизда асосан, елпиғичсимон шакл бериб ўстирилади.

Ток кесишда унинг ёшига, навига, ўсиш шароитига, кучига ҳамда қайси шаклда ўстирилишига аҳамият берилиши лозим. Турли нав ва шаклда ўстирилаётган токлар бир хил кесилмайди. Ток кесиш ток тупларига қараб ҳам ҳар хил бўлади.

Агар ток тупи заиф бўлса, келгуси йил ҳосили учун камроқ, соғлом ва бақувват бўлса, кўпроқ новда қолдириб кесилади. Баъзи ҳаваскор соҳибкорларимиз ток тупининг ўрта ва паст қисмидан чиққан новдаларни олиб ташлаб, занглни яланғочлаб қўядилар, ҳосил новдаларини эса ток тупининг юқори қисмида қолдирадилар (айниқса , сўриларда ўстириладиган токларда). Токни бундай усулда кесиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, чунки бу усулда ток занги тез қариб, ҳосилдорлиги камайиши мумкин. Ток кесишда қолдириладиган новдаларнинг сони, узун ёки қисқа кесилиши токларнинг ўсишига ёшига, навига ҳамда ўсиш шароитига боғлиқ.

Ток кесишда келгуси йил ҳосили учун қолдириладиган новдалар яхши пишган, бақувват, касалланмаган ҳамда шу нав учун характерли бўлган бўғим оралиғига эга бўлиши керак. Бўғим оралари жуда узун ёки калта бўлган новдалар олиб ташланади. Токларнинг ҳамма новдалари бир хил узунликда кесилмайди, албатта. Ҳосил учун новдалар ток навига ва ўсиш кучига қараб олти-йигирма куртакли қилиб, ўринбосар новдалар эса, икки-уч куртакли қилиб кесилиши керак. Ток кесиш ток тупининг пастки қисмидан бошланиб, секинаста юқори қисмига кўтарилади. Бунда, албатта, ҳосилни ток тупининг пастки ва устки қисмларида баравар тақсимланиши ҳисобга олиниши зарур. Ток тупининг юқори қисмида қолдирилган ҳосил новдалари узунхўраки ва майизбоп навларда ўн олти-йигирма кўз қолдирилиб кесилади. Пастга тушган сарғ, уларнинг узунлиги қисқартиб борилади. Узун қолдириб кесилган новдалар келгуси йили ток тупининг юқори қисмини новда ва ҳосил билан тўлдирса, калта қилиб кесилганлари эса, ток тупининг ўрта ва пастки қисмини қоплайди.

Токнинг бир-икки йиллик новдалари ток қайчида , занглари эса қўл арра (боғ арра)да силлиқ қилиб кесилади. Ток новдаларини кесиш ёки занглариии арралашда бутоқ қолдирмаслик керак.

Ток кесишда унинг қайси шаклда ўстирилаётганига, навига ҳамда ўсиш шароитига қараб турли миқдорда куртак қолдириш (нагрузка бериш) керак.

Маълум шароитда ток тупларининг ўсиш кучига, ҳосил бериш даражасига қараб керакли нагрузка берилса, токлардан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш мумкин. Кучли ўсган токларда фотосинтез жараёни узум сифатини яхшилаш учун зарур бўлган органик моддаларни кўпроқ тўплайди.

Ток кесиш масъулиятли тадбирлардан ҳисобланиб, унинг техникасига тўла амал қилиш зарур. Кесиш вақтида куртакка тақаб кесмасдан, ундан 0,5 сантиметр юқоридан қия қилиб кесилади. Айрим новдалар тагидан олиб ташланганда, уларни текис қилиб, қолдирилаётган занг ёки маданга тақаб кесилади.

Ток кесиш олдидан новдаларни яхши пишириш мақсадида уларнинг баргини олиб ташлаб, токни яланғочлаш ярамайди. Бунда новдалар заифлашади. Новдаларни яхши пишириш учун олдиндан ўтказиладиган хомток ҳамда чеканкани ўз вақтида ўтказилса бас.

Ток асосан икки муддат — куз ва баҳорда кесилади. Кузгиси—дастлабки, баҳоргиси — қўшимча ёки асосий кесиш ҳисобланади. Кузги ток кесиш ҳозирги кунларда бошланиб, октябрь охирларида тугалланиши зарур. Аввал эртаги, сўнг ўрта ва кечпишар навлар кесилади. Бунда токни ўз вақтида кесиб кўмиш муҳим аҳамиятга эга. Агар ток эрта кесилса, куз иссиқ ва нам келган йилларн кўмилгунча ҳамда кўмилгандан кейин ҳам қисман кўкариши мумкин, натижада, куртакларнинг кўпчилгни нобуд бўлади, ҳосилга путур етади. Ток кўмиш ва баҳорда уларни очиш вақтида бир қанча куртаклар, ҳатто занг ва маданглар ҳам шикастланиб нобуд бўлиши мумкин. Шунинг учун, кузги ток кесишда запас новдалар (20 процентгача) қолдириб кесиш керак. Баҳорда ток очилгандан кейин, унинг ҳолати текширилиб, турли сабаблар билан шикастланган, қуриган ва ортиқча занг ва новдалар олиб ташланади ёки қисқартирилиб, кузги ток кесишда йўл қўйилган камчиликлар тузатилади.

Ёш токлар дастлабки икки йил давомида кузда кесилмай кўмилиб, баҳорда кесилади. Ток кўмилмайдиган районларда ток кесиш октябрдан бошланиб, март ойигача, ток таналарида шира юра бошлагунча тамомланиши керак. Қиш ойларида кун иссиқ вақтларда ток кесишни давом эттириш мумкин. Совуқ кунларда ток кесишни тўхтатиш керак.

Ш. ТЕМУРОВ,
агроном.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ГРЕЦИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИНИНГ БАЁНОТИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Шарқий Ўрта Денгиз райони ва Яқин Шарқдаги аҳвол муносабати билан «Ҳақиқат овози» радиостанцияси Греция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг баёнотини эшиттирди.

АҚШ империалистларининг ва гумашталарининг, аввало, Исроил раҳбарларининг кирдикорлари, дейди Сиёсий бюро, Яқин Шарқдаги вазиятни кескинлаштирмоқда. Греция коммунистлари, бутун грек халқи империалистларнинг фитнаси ва агрессиясига қарши кураш олиб бораётган Араб халқларига самимий ҳайрихоҳлик ва бирдамлик туйғулари билан ана шу воқеаларни кузатиб турибдилар.

Сиёсий бюро кейинги кунларда-ги баъзи воқеаларга — Америка ҳарбий ҳаво ва ҳарбий денгиз кучларининг юборилиши ва тўпланишига, Грецияда ва Кипрда уларнинг ҳарбий қисмлари жангга шай қилиб қўйилганлигига, АҚШ ҳамда НАТО ҳарбий ва сиёсий арбобларининг яқинда Грецияга қилган сафарларига эътиборни жалб этди. Бу фактларнинг ҳаммаси, дейилади баёнотда, Араб мамлакатларининг ишларига аралашмоқ учун Грециядан база сифатида фойдаланаётганликларини кўрсатиб турибди.

Сиёсий бюро Грециядан ҳарбий плацдарм сифатида фойдаланишга йўл қўймаслик учун халқни ҳушёр бўлишга даъват этади.

ГРЕНЛАНДИЯНИНГ НОЁБ МЕТАЛЛАРИ

Таниқли тадқиқотчи Н. Андерсон яқинда Гренландиянинг ғарбий қисмидаги Диско оролидан олинган минераллар анализини тугаллади. Маълум бўлишича, у ерда мис, кумуш, рух, кобальт ва бошқа ноёб металларнинг анчагина катта запаслари бор экан. Унинг хомаки ҳисобига қараганда, Диско оролидаги қимматбаҳо минералларни қазиб олиш ва қайта ишлаш йилига 500 миллион Дания кроии миқдорида фойда келтириши мумкин.
(АПН).



ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Социалистик мамлакатлар рассомлари асарларининг кўргазмаси варшавалиқларда ва пойтахт меҳмонларида катта қизиқиш уйғотмоқда. «Фашизм ва урушга қарши» шиори остида бирлаштирилган асарлар, санъат усталарининг тинчлик учун халқлар курашига ўз мўйқаламлари билан ёрдам бериш истакларини билдиради.
СУРАТДА: экспозицияларни кўздан кечириш.
ЦАФ—ТАСС фотоси.

МУДҲИШ СТАТИСТИКА

Станок ёнидаги ишчи-машинанинг бир қисми холос. Унинг нархи ҳам айтарлик қиммат эмас, деб фикр юритади капиталист. Корхона эгаларининг техника хавфсизлигига ажратилган маблағларни тобора камайтириб бораётганликларига сабаб ҳам шу бўлса керак. Натижада, меҳнат жараёнининг интенсив ўсиб бориши ва техника хавфсизлигининг аҳволи ўртасидаги тафовут тобора кенгайиб бормоқда.

Италия страхование институтининг ҳар йили чиқариладиган статистика справочнигида келтирилган маълумотларга қараганда, 1968 йили Италия корхоналарида 1509.632 киши, ўрта ҳисобда бир кунда 4100 ишчи майиб бўлган. 1969 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришдаги бахтсизликлар натижасида 1690 киши ўлган. Бу, Италияда бир кунда 10 ишчи ҳалок бўлмоқда, деган гап.

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

НЬЮ-ЙОРК

Қўшма Штатларда меҳнаткашларнинг забастовка ҳаракати кенгаймоқда. Меҳнаткашлар қимматчиликнинг кучайиб кетаётганлиги муносабати билан соликлар камайтирилишини, иш ҳақи кўпайтирилишини талаб этмоқдалар. Меҳнат министрлигининг маълумотларига қараганда, АҚШда шу йилнинг саккиз ойи мобайнидагина 4200 та забастовка ўтказилиб, буларда 1 миллион 800 минг киши қатнашган. Аммо бу маълумотлар ҳам АҚШ ишчилар синфи курашининг ҳақиқий миқёсини акс эттирмайди. Америкадаги энг йирик «Женерал моторс» корпорацияси ишчиларидан 350 минг кишининг забастовкаси бир ҳафтадан кўпроқ давом этмоқда. Аммо бу забастовка ҳаракатининг қатнашчилари ана шу маълумотга киритилмаган.

БОНН

Ғарбий Германия машинасозлик ва металлургия саноатида миллион-миллион меҳнаткашлар ишлайди. Уларнинг аҳволи тобора кескинлашмоқда. Ишчилар, металлчилар касаба союзининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини бажаришдан корхона эгалари бош тортаётганлигига огоҳлантирувчи забастовкалар ва норозилик намойишлари билан жавоб қайтармоқдалар. Мамлакатнинг йирик саноат райони Вестфалияда — Шимолий Рейнда шундай норозилик намойишларида бир неча минг киши иштирок этди. Баден Бюрттембергдаги Рейтлинген ва Филленген металлчилари огоҳлантирувчи забастовка ўтказдилар.

Касаба союз ташкилотлари билан тариф шартномалари бузилганлиги эълон қилинди. Бу касаба союзлар составига Германия Федератив Республикаси савдо флоти денгизчиларидан қарийб 45 минг киши киради.

САНТЬЯГО

Чилидаги Кольчагуа вилояти қишлоқ хўжалиги ишчиларидан 4 мингдан зиёдроқ кишининг бир ойча давом этган забастовкаси ғалаба билан тугади. Латифундистлар — катта ер эгалари қишлоқ хўжалик ишчиларининг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабларини қондиришга мажбур бўлдилар. Ҳукумат вакилларидан, хўжайинлардан ва ишчилардан иборат тузилган махсус комиссия деҳқонларнинг бир қанча муҳим талабларини қараб чиқади.

(ТАСС).

Қоҳирадаги кенгашнинг қарори

ҚОҲИРА. (ТАСС). Иорданиядаги аҳволни муҳокама қилиш учун Қоҳирага тўпланган Араб давлатлари ва ҳукуматларининг бошлиғи Король Ҳусайн билан ва Фаластин қаршилик кўрсатиш раҳбарлари билан музокаралар олиб бориш учун Судан революцион ҳукуматининг раиси Жафар Нимейри бошчилигидаги делегацияни Аммонга юборишга қарор қилдилар. Мисрнинг расмий вакили матбуот конференциясида шу ҳақда хабар берган.

Делегация составида Тунис бош министри Бахи Ладхам, Араб Социалистик иттифоқи олий инкроия комитетининг аъзоси Ҳусайн Аш-Шафий (Бирлашган Араб Республикаси), Саудия Арабистонининг вакили Рашод Фиравн, мудофаа ва ички ишлар министри Саад Абдулло Ас-Салим Ас-Сабоҳ, Миср армияси Бош штабининг бошлиғи Муҳаммад Содиқ ва Фаластинни озод қилиш ташкилоти Марказий Комитетининг аъзоси Иброҳим Бакр бор.

Расмий вакил шунитаъкидлаб ўтдики, Араб давлатларининг бошлиқлари Иорданияга яна делегация юбориш тўғрисида қарор чиқариб, Иордания армияси билан Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати отрядлари ўртасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни тезроқ кучга киришн зарур эканлигига чуқур ишонганликларини билдирдилар.

МЕН агентлигининг Аммон радиосига суяниб хабар беришича, Араб давлатлари бошлиқлари делегацияси Аммонга келди ва Иордания Короли Ҳусайн билан музокараларни бошлади.



Рангли «видеоскоп» — радиоэлектроника соҳасидаги ўзининг ютуқлари билан машҳур бўлган Япония «Сони» фирмасининг сўнгги ишларидан бири.

Бу аппарат телевизор экранида ги тасвирни ёзиб олиш имконини беради. Магнит лентасига оқ-қора ва рангли программаларни ёзиш мумкин.

СУРАТДА: янги аппарат иш пайтида.

Кейстон — ТАСС фотоси.

ЁНҒИННИ ҚАНДАЙ ЎЧИРИШ КЕРАК?

Бу проблема ҳозирги вақтда Бельгияда жиддий муҳокама қилинмоқда. Бельгиялик брондмайор Петернинг таъкидлашича, ўт ўчиришнинг замонавий воситалари етишмаслиги сабабли ўт ўчирувчилар ўзларининг олийжаноб вазифаларини яхши уддалай олмаяптилар.

Ўт ўчирувчилар конгресси резолюция қабул қилди. Агарда ёнғин ўчиришнинг моддий воситалари билан таъминлашни яхши йўлга қўйиш, иш ҳақини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш ҳақидаги талаблар бажарилмаган тақдирда Бельгия ўт ўчирувчилари умуммиллий миқёсда забастовка ўтказишади, дейилади резолюцияда.

Бу билан улар ёнғин билан олишув вазифасини турли министрлик ва идоралардаги бюрократлар зиммасига юклашмоқчи.

ХЕЛЬСИНКИДА ВИСТАВКА

Финляндия пойтахтининг марказида Халқаро ярмарка очилди. Унда Совет Иттифоқи ҳам иштирок этмоқда. СССР павильони — энг каттаси деса бўлади. Совет стендлари мамлакат халқ хўжалиги ва социалистик маданиятнинг равнақи ҳақида ҳикоя қилади. Павильоннинг очиқ сатҳида энг янги машина ва станоклар, қудратли юк автомобиллари ўрнатилган. Рўзғор техникаси буюмлари, соатлар, идишлар, телевизор ва радиоприёмниклар ҳам намойиш қилинмоқда.

Ярмарка сентябрнинг охиригача давом этади.


(АПН).

ДАНИЯЛИКЛАР ВА АЛКОГОЛЬ

Алкоголизм Данияннинг социал офатига айланмоқда. Мамлакат катта ёшдаги аҳолисининг ҳар бири истеъмол қиладиган алкоголь бир йил давомида ўн процент ошди. Шу муносабат билан касаллик ва жароҳатларни даволаш учун сарфланадиган маблағлар сўнгги беш йил ичида 2,5 баравар ўсди, яъни уч миллиондан саккиз миллион кронга етди.

Ичкилик ичмайдиганлар миллий бирлашмаси қабул қилган резолюцияда, «алкоголь истеъмолининг хатарли ўсиб бораётганлиги» ва бундай аҳволга ҳукумат панжа орасидан қараётгани қайд қилинади.

(АПН).



Цейлон — қадимий цивилизация ва юксак маданиятли мамлакат. Машҳур архитектура ва рассомчилик ёдгорликлари эртаклардагидек чиройли оролда яшаган халқнинг бой тарихи ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: Сигирия — «арслон қояси». Бу қоя автори номаълум бўлган ажойиб суратлари билан машҳур.

В. Шкалябин фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ЖАНГ СТАТИСТИКАСИ

Жанубий Вьетнам матбуот агентлиги ҳарбар беради: халқ Озодлик қўшилари қўчлари 28 августдан 19 сентябргача Куангнам-Дананг районида бир қанча муваффақиятли операция ўтказдилар. Бу операциялар давомида Америка-Сайгон солдатлари ҳамда офицерларидан 330 дан ортиқ киши сафдан чиқарилди, 2 самолёт уриб туширилди ва 4 ҳарбий автомашина яксон қилинди.

30 августдан 13 сентябргача Биньдинь вилоятида олиб борилган жангларда халқ Озодлик қўшилари кўчлари жангчилари душманнинг 450 солдатини қириб ташладилар ва яраадор қилдилар, 7 самолётни уриб туширдилар ва кўп миқдорда қурол-яроғ ҳамда ҳарбий анжомларни ўлжа олдилар. Биньтуи вилоятида сентябрнинг биринчи ҳафтасида душманнинг 110 дан ортиқ солдат ва офицери ўлдирилди ва яраадор қилинди, ватанпарварлар 4 ҳарбий автомашинани ёндириб юбордилар. Ватанпарварлар 3,7, 13 ва 14 сентябрда Ратьзя вилоятининг турли районларида Америка-Сайгон қўшинларига ҳужум қилдилар. Озодлик армияси жангчиларининг яшин тезлигида берган зарбалари натижасида душман аскар ва офицерларидан 140 га яқин киши ўлдирилди, яраадор қилинди ва асир олинди.

(ТАСС).

СУНЪИЙ ЙЎЛДОШНИ УЧИРИШОЛМАДИ

ТОКИО. (ТАСС). Япониядаги Утиноура полигонида илмий тадқиқот мақсадларида Ернинг сунъий йўлдошини учиришга уриниб кўрилди. Киодо Цусин агентлигининг хабар беришича, элтувчи ракетанинг тўртинчи поғонаси носоз бўлганлигидан сунъий йўлдошни учириш муваффақиятсизликка учради.

ОНА

ХИКОЯ

Учоқдаги ўт чирсиллаб ловуллаб ёнмоқда. Раҳима хола ўтга тикилиб ўтирибди, хаёл унн бутунпай ўз оғушига тортган. Фақат кўчадан болаларнинг «Қатлиқ ердан думалаб чиққан, Бойчечак! Бойчечак!» деб қўшиқ айтишлари хаёлларни бўлади. Раҳима хола бенихтиёр ўрнидан турди. «Ҳа-я, айтгандек, эртага Навруз»— эслади у. Сўнг токчадаги ёғоч сандиқдан бир-икки сиқим қанд-курс олиб чиқиб, болаларга бўлиб берди, уларнинг юзларидан илиққина ўпиб қўйди. Болалар яна ўз йўлларида давом этдилар:

Бойчечак ҳиллодир,
Ҳамён-ҳамён тиллодир...

Раҳима хола бир зум болаларнинг қўшиқларига маҳлиё бўлиб турди. Сўнгра негадир кўнгли бузилди. Меҳрибонини эслади. У ҳам бир вақтлар ана шу болалар сингари кўча кўйдан «Бойчечак» айтиб, алпа-маҳалла этакларини қанд-қурсга тўлдириб, олам-олам қувонч билан уйга кириб келарди.

Бу воқеалар гўё кечагина рўй бергандек... Орадан анча йиллар ўтиб кетди-я! Киши умри дарё сувидек тинмай оқар экан. Утган йили Меҳрибони қишлоққа келганда эр кўксидан униб чиққан гиёҳларнинг барчаси қуриб нобуд бўлиб кетган, ана энди, бир сабза, майсалар янгидан униб, ҳамма ёқни яшил тусга киритган...

«Бир ҳисобда одам умри ҳам ана шу гул-чечакларга ўхшайди,— кўнглидан ўтказди Раҳима хола,— гул-чечаклар пайдо бўлади, ўсади, бирмунча замон ҳаёт боғида нашъунамо топади, оқибатда умр кузнинг шамолларидан хазон бўлади...»

Бу ҳазин ўй-хаёллар унн негадир чўчитиб юборди. Мияси-га машъум фикрлар келди: мабодо бирор шому саҳар оёқ узатгудай бўлсам, бошим устида туриб сув томизадиган ўғлим эса узоқда бўлса... Тошкентдан етиб келгунча кўз юмсам ҳам ажаб эмас. Бечора Меҳрибоним кеч етиб келиб нолаю фиғон этса... Ўшанда, унинг кўз ёшларини бошқа кўролмайман, унинг нолаю зорини бошқа эшитолмайман. Кошкийди ўғлим оғушида жон берсам..

Раҳима хола рўмолининг учи билан кўз ёшларини артди-да, чуқур хўрсиниб қўйди. Учоқдаги чўғларни аллақачон кул босганди.

«Айтгудек ёлғиз ҳам эмасман, — деб ўйлади у. — Кўни-кўшнилар ҳаммаси меҳрибон, тез-тез қолиимдан хабар олиб, каму-кўстимни бажариб туришади. Лекин фарзанд ўрни бошқача».

Раҳима хола ана шу ўй-хаёллар билан ўтирган эди, дарвозадан ён қўшниси Қодир магазинчининг қизи Гуландом-нинг овозн қулоғига чалинди:

— Хола, ҳой хола, — чақирарди у. — Эшитдингизми, Меҳрибон акамлар келар эмиш!

— Меҳрибон, садаганг кетай, қаердасан! — ўзини йўқотаёзган Раҳима хола аввал ичкари уйга, сўнгра ҳовлига югурди.

— Дадам айтдилар, — тушунтирди Гуландом. — Район-да кўришибди... Ҳа-демай келиб қолармишлар...

Гуландом Раҳима холани ўз ҳолига қўйиб, ҳовлига кирди-да, уй ичини йиғиштира бошлади. Бироз вақт ўтмай кўча эшик ёнидан Раҳима хонинг тақрор ва тақрор айтган сўзларини эшитди:

— Ургилиб кетай, болам, ўргилиб кетай...

Гуландом ҳам сабрсизлик билан ташқарига чиқди. Дарвоза қошида она билан болани ҳамоғуш кўрди. Улар бир-мунча муддат бир-биридан ажралмай турдилар. Ниҳоят, Меҳрибон она қўлларн ҳалқасидан ўзинн бўшатиб сўради:

— Яхшимисиз, ойи, бардаммисиз! — ўғил онанинг ажин босган юзларига меҳр билан телмурди.

— Шукур, ўғлим, шукур, соғ бўлмай нима ҳам бўлардим. Сен эсон-омон бўлсанг менга бўлганн шу...

— Менинг келишимдан қачон хабардор бўлдингиз!

— Гуландом айтди. Ана ўзи...

Меҳрибон шу пайтгача она билан ўғлининг дийдор кўришишларига халал бермай жимгина турган Гуландомга кўзн тушди-да, унга қўл узатиб саломлашди.

— Салом, Меҳрибон ака,— журъатсизлик билан қўл узатди қиз. Гуландом бир мақаллар ҳам журъатсизлик қилганн ёдига тушди. Отасининг гапини рад этолмаганди ўшанда... У Раҳима холанинг қишлоқда ёлғиз қолишида ўзини айбдор деб ҳисоблардн. Агар Меҳрибонга турмушга чиққанида эҳтимол у шаҳарлик қизга уйланмасди, эҳтимол қишлоқни тарк этмасди... Кеча Гуландом ота уйига келиб, Меҳрибоннинг қишлоққа қайтаётганини эшитиб қолди. Сўнаётган ишқ-муҳаббат чўғларини янгидан оловлантириш унинг учун осон эмасдм. У Меҳрибонни кўрдию юрагининг аллақаерида ўрнашган сезгилар яна бедор этабошлади...

Она билан ўғил уй ичига кирдилар, Гуландом ҳам улар билан бирга кирмоқчи бўлди, лекин шарм-ҳаё йўлини тўсди.

— Хайр, холажон, мен кетай. Меҳрибон акамлар билан тўйиб-тўйиб суҳбатлашиб олинг, — дедн Гуландом ва Раҳима холанинг таклифларига унамай чиқиб кетди. Девор ёнидан ўтаётиб деворнинг ушалиб тушган пастак ерига кўзн тушдн. Бир вақтлар Меҳрибон шу ердан Гуландомларнинг ҳовлисига кўз ташлардн. Гуландомнинг бутун борлиғини илиқ бир ҳиссиёт чулғаб олди, бенихтиёр табассум этдн, бу табассумдан унинг ширмойи ёноқлари барқ уриб яшнаб кетдн...

Раҳима хола аччиққина кўк чой дамлаб, дастурхон ёздн. Меҳрибон эса чамадонини очиб ундан бир катта шоҳ рўмол, бир кўйлаклик шойи, калиш билан маҳси олиб онаси олдига қўйдн.

— Бошинг тоздан бўлсин, ўғлим — дедн Раҳима хола яна кўз ёшн оқизиб.

Сўнгра Меҳрибон ҳар хил қанд-қурс олиб дастурхонга тўкдн. Раҳима хола ўғлининг қадду бастига, Меҳрибон эса онасининг нурсизланган, кирташиб қолган кўзларига термулардн. Бир бирларининг дийдорига тўйишмасдн.

«Раҳматлик отасининг ўзгинаси-я... — кўнглидан ўтказдн Раҳима хола. — Қуриб кетгур уруш бўлмаганида ҳали тирик бўлармидн, фарзандининг камолга етганидан бош кўтка етардн... Хайр, на илож, тақдир экан, эндн биттагина кўзим қорачиғи шу қолди, омон бўлсин ишқилиб...»

Раҳима хола бу сафар ўғли келса, унинг олдига масаланн кўндаланг қўйишни, ё шаҳар ишидан ё онадан воз кечишни талаб қилишни ахд этгандн. Эндн бўлса ўйлаб қўйганларини айтишга тили бормасдн. Шунинг учун узоқдан гап бошладн:

— Сенн шундай соғиндимкн, болам, асло қўявер... Нима қилай, қанотим йўқки ҳар замон-ҳар замонда олдингга учиб борибб турсам.

— Ҳозир қанотсиз ҳам учиш мумкин, — дедн Меҳрибон ҳазиломуз оҳангда.— Самолёт деган нарса бор. Унга тушасиз кўз юмиб очгунча кўрибсизки азим Тошкент шаҳрига етиб борибсиз. — Хўш, шундай экан, нега ҳар ҳафта онанг ҳолидан хабар олиб турмайсан! — суҳбатнинг чигилн очилдию, Раҳима хола юрагидагини тўкиб сола бошладн.

Меҳрибон онасига нима дейишни билмай бир дам сукут сақлади кейнн:

— Ойижон, сизни Тошкентга олиб кетиш учун келдим. Келинингиз ҳам сиздан шуни илтимос қилаётир. Сиз қишлоқда, ёлғиз, мен эсам шаҳарда доим фикру ҳаёлим сиздс... Кошкийди вақт етишсаю ҳар ҳафта бир маҳал келиб сизни кўриб кетсам. Иш.. Турли хил топшириқ... Вазифа... Ҳаммаси қўл оёғимни банд этиб қўйган.

Раҳима хола ўғлининг бу сўзларини эшитаркан, хотирасида нақшланган тўрт йил бурунги воқеалар ёдига тушдн.

✦✦✦

Уша йили Тошкент эпидемиологик қишлоқ аҳли қалбини ҳам ларзага солганди. Раҳима хола худди ўша йилгирма олтинчи апрель куни колхоз идорасига борибб, раисдан илтимос қилдн:

— Илоҳо, барака топгин Азимжон, шопирингга айт, мени ғир этиб районга олиб борсин. Дилим ҳуфтон бўляпти: Меҳрибонимни кўргунимча кўнглимга ҳеч нарса сиғмайди...

Азимжон кампирнинг илтимосу-илтижоларига чидай-олмай шоферини чақирибб холани районга олиб борибб поездга тушириб қайтиб келишини буюрди. Ярим кечаси поездга тушди, лекин Раҳима хола назарида у худди кўкон аравадек имиллаб юрардн. Ниҳоят, тонг отиш маҳали Тошкентга етибб келдм. Шаҳарнинг кўча ва хиёбонларн одамлар билан тўла эди, кишилар қулишардн, ҳазил-мутойиба қилишардн, гўё зилзила ҳам бўлган эмас, бирор бошқа хунук воқеа ҳам рўй берганмас... Раҳима хола бу манзарани кўриб кўнгли анча жойига тушди ва «худога шукур» деб қўйдн.

Раҳима хола Гуландомнинг: «Катта шаҳарда, албатта, милицияга мурожаат қилиш керак» деган сўзларини эсладн-да, аввало милиция идорасини сураб топдн.

— Мунаввар кўчаси, 24-уй... Қани, кетдик, хола. Сизни ўша адресга элтиб қўяман, — дедн ёқимтойгина милиционер йигит. Кейин Раҳима хола милиционернинг коляскалик мотоциклнга ўтирдн. Мунаввар кўчасига етибб келдилар, йигирма тўртинчи уй ҳам топилдн. Уйнинг деворлари қулаб, томи қийшайиб тушган, унинг ичида бирор кимса кўринмасдн.

— Биз адашибмиз, бу йигирма тўртинчи уй эмас, — дедн милиционер йигит зийраклик билан. — Бошқа жойдан қидирамиз...

Кампирга сездирмай район ижроия комитетига олиб бордн, у ерда ҳукумат комиссияси ишларди.

—Ўғлингизнинг касби нима! — деб сўрашдн Раҳматоладан.

— Ўғлим жуда катта ишда... Красинчиларнинг каттаси. Мана расми. Ҳа... — фахр билан ўғлининг расмини кўрсатди кампирр.

Комиссия аъзоларн расмни кўриб кулишдн.

— Эҳ-ҳа, сиз ҳали Меҳрибон Ғафуровнинг ойисман денг!.. Меҳрибон красинчиларнинг каттаси эмас, балки нефть саноатн инженери. Ўғлингизнинг ишлари жуда кўп! У ҳозир оиласи билан палаткада яшаяпти. Унга ҳадемай янги уй-жой қуриб берамиз.

Раҳима холанн катта боғ орасида жойлашган палатка шаҳарчасигс олиб келишдн.

Меҳрибон ҳуфтонга яқин ишдан қайтдн. Волидасини кўриб ғоятда хурсанд бўлди, лекин шунча оворагарчилик билан беҳудага ташвишланиб келганлигни учун бироз кейди.

— Онанинг кўнглидагини сен қаёқдан биласан! — дедн кампир шикоятомуз оҳангда. — Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, деб шуни айтадилар-да...

Уша маҳал ҳам Меҳрибон онасининг Тошкентда қолишини сўраб, шаҳарнинг яхши томонларини мақтаб кетган эдн. Аммо Раҳима хола ҳам бўш келмади:

— Хўш, сен «шаҳар-шаҳар» деб мақтовнн еттн қават осмонга чиқарасан. Қанн, айтгинчи, қишлоқнинг шаҳардан қаери кам! Битта ўқимишли одам сен бўласанми! Торгина ҳужрага ўхшаган уйинг бор эдн, у ҳам қулаб тушдн. Қишлоққа бориб ўз тенгқурларингнинг турнш-турмушига бир разм солиб кўрчи... Мана, Сайфулла. Қишлоқда энг обрўлик ўқитувчи. Данғиллама уй-жой қуриб олдн. Ёки Абдусаломни ол. Колхоз раисининг ўринбосари. Кўчадан ўтса кўча савлатидан тўладн. Абдуллаларнинг ўғли — Ҳамза бўлса-ку ншларн ванг. Машинада пахта терадн. Ҳозир ҳамманинг оғзида ўшаннинг номи. На камн бор, на ғамн...

Меҳрибон онасига ўз мақсадини қандай тушунтиришни билмасдн. Ҳозир унинг бутун фикру ҳаёли иш билан банд: министрликнинг топшириғини тезроқ бажариш, илмий тадқиқотнни тезроқ тугаллаш лозим. Агар у кашф этган нефть ҳосил этишнинг янги усули амалда исботланса, давлат ҳар йили миллионлаб фойда кўради. Лекин онаси ўғлини ҳамиша ёнида кўришни хоҳлайди, чунки ёлғизлик унинг жонига теккан. Бечора, не ҳам қилсин, қариганимда ёнимда қувватим, мадорим бўладн, деб фарзанд ўстирган...

— Ойи, беш йил ўқитдингиз, — деган эдн ўшанда Меҳрибон. — Меннинг учун ҳам сизнинг, ҳам давлатнинг меҳнати сингаи. Эндн қарзимни узмасам қанақа бўларкин...

Раҳима хола ўғлининг сўзларини ўзича тушнди:

— Ҳа, тўғри гапирдинг, ўғлим. Фарзандлик қарзини адо этмоғинг лозим. Она рози эл-юрт рози, деган эканлар...

Раҳима хола келининн кўриб унга арзи ҳол этмоқчи эдн. лекин муяссар бўлмади, келин бир неча кунга командировкага кетган экан. Мана ҳозир ҳам Меҳрибон яна ўша таклифни ўртага солмоқда.

✦✦✦

Раҳима хола бу сафар ўғлининг таклифларини диққат билан эшитгач, аввал бироз сукут сақлади-да, сўнгра паст овоз билан деди:

—От айланиб қозиғини топади, ўғлим. Мен қарнган чоғимда киндик қоним тўкилган жойни ташлаб ўзга юртларга бориб мусофир бўлиб яшасам, яхши бўладими, а! Ўзнинг бир ўйлаб кўр.

— Замон ўзгариб кетган, ойи,—эътироз билдирди Меҳрибон. — Эл-юртимизда амалга ошаётган катта-катта ишлардан хабарингиз йўқ... Ахир, ҳар ким киндик қони тўкилган қишлоғидан ажраполмай ўтираверса, оқибатн нима бўлади! Одамлар обод жойларини тарк этиб, қўрқ ерларни ўзлаштиришга, янги завод-фабрика қуришга, янги-янги каналлар қазиб чўлларни обод қилишга отланяпти...

— Агар ҳамма сенга ўхшаб шаҳарга кетаверса, колхоз ишини ким бажаради-а!— дедн Раҳима хола ўғлининг гапини бўлиб.— Далага чиқиб бир қарагин! Ҳамма ёқда машиналар ишлаяпти. Сен шаҳарни мақтайсан. Шаҳарда нима бўлса қишлоқда ҳам бор: электр ,телевизор, холодильник... Сен агар қишлоққа келсанг дарров жон-жон деб бирор иш топиб беришади.

Меҳрибон онасининг сўзларини бўлмай эшитар экан, мулоҳазаларининг нақадар тўғри эканлигидан ҳайратланар, далилларининг пухталигига қойил қоларди.

«Ҳақиқатдан ҳам кўп ёшлар шаҳарга бориб ўқиб, ўша ерда ишда қолмоқдалар,—кўнглидан ўтказди Меҳрибон.—Мана мен: институтни битириб шаҳарда қолдим, қари онам эса қишлоқда ёлғиз...

Бу бахснинг осонликча ҳал бўлмаслигига ўзи етган Меҳрибон оғир нафас олди-да, онаизорнин юпатмоқчи бўлди:

— Хўп, ойи, ўйлаб кўраман, кўпи кетиб озн қолди, келинингиз билан кўчиб келиб ҳам қолармиз..

Бир неча кундан сўнг Раҳима хола ўғлини кузатар экан:

— Хайр, ўғлим, оқ йўл, сўзларимни унутмагин, — дедн йиғлам-сираб.

— Яхши қолинг, ойи... Узингизни беҳудага қийнаманг...

Раҳима хола автобус кўздан ғойиб бўлгунча термулиб қолди. У Меҳрибонинг бир кунмас бир кун она бағрига қайтиб келишига ишонарди. Она қалби янглишмайди...

Мухсин УМАРОВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



Дам олиш кунлари шаҳримизнинг Навоий театри қаршисидаги майдон кичкинтойлар билан гавжум бўлади. Бу ерда уларни турли кўнгилочар аттракцион ўйинлар кутади.
СУРАТДА: болалар таксиси.

Суд залидан

Тилла узук ваъда қилиб...

Агар, ўша байрам куни Михаил Бройтманнинг онаси ичкиликбозликни уюштирмаганда, балки бу воқеа содир бўлмасмиди. 2502-автобазанинг автослесари Михаил ўтиришга ўтоқлари: 1-уйсозлик комбинатининг ишчиси Александр Глухов ва 1-ёғочни қайта ишлаш заводининг дурадгори Владимир Форемляки ҳамда Нина ва Наталья исмли қизларни айтган эди.

Қизлар келишганда, йигитлар ичиб ўтиришганди. Улар ҳам ўтиришича бошлашди. Ўтириш икки соатча давом этгач, қизлар уйга кетмоқчи бўлишди. Шу пайт, ўтиришни бошқараётган Бройтманнинг опаси Софья Михаил, Владимир ва Александрларнинг стаканларига тўлдириб ароқ қуйиб, ичишни буюрди. Шусиз ҳам кайфлари тароқ бўлган йигитлар ароқни ичиб, қизларни кузатиш баҳонаси билан кўчага чиқиб кетишди.

Улар кўчада кетаётганда, Натальянинг дугоналари учраб қолиб, у ўшалар билан кетади. Уч йигит Н.ни кузатиб боришаётганда, қиз спиртли ичимлик ичгани учун ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Қабиҳ ниятини амалга оширишни аввалдан мўлжаллаган Бройтман ва унинг шеригн Владимирга қизнинг оғзини бекитиб туришни буюради..

Тошкент шаҳар халқ судида бу уч жиноятчининг иши кўрилаётганда, айбдорлар судан қуруқ чиқмоқчи бўлишди. А. Глухов дастлабки тергов пайтида айтган гапидан қайтиб, «Биз Форемляк билан кетиб қолган эдик», деб тонди. Бош айбдор М. Бройтман эса, «Мен Н.нинг розилиги билан алоқа қилганман, Глухов ва Форемляклар йўқ эди», деб ўзини ҳам, ўртоқларини ҳам «оппоқ» қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

Лекин уларнинг бу қилмишлари гувоҳлар ёрдамида исботланди. Маълум бўлишича, ўша байрам кечаси уч безори Бройтманларникига қайтиб келиб, ичкиликбозликни давом эттиришган. Бройтман қўшниси Наталья Лаврентьевани чақириб чиққан. Наталья ҳам улар билан бироз ўтирган. Ана шунда, Бройтман ва Глухов қабиҳ ишларини мақтаниб, ўз оғизларидан гуллайдилар. Глуховнинг «Мен кетиб қолган эдим» деган даъвоси Н. Лаврентьеванинг гувоҳлик бериши ва суд экспертизасининг хулосаси билан рад этилди.

Уз фарзандларини яхши тарбиялай олмаган, ичкиликбозликларига йўл қўйган оналарнинг талвасага тушиши ўғилларникидан ҳам ошиб тушди.

Иш судга ошиши билан Бройтманнинг онаси Мейта, опаси Софья ва Глуховнинг онаси Екатерина Ивановалар оёғи куйган товуқдек питирлаб қолишди. Ҳатто, жиноят қилишгача бориб етишди. Улар жабрланувчининг акаси Василий, гувоҳлар Наталья Михайлова ва Лаврентьеваларга Н.ни ўз фикридан қайтиб, милицияга шу мазмунда ариза ёзишга кўндиришмоқчи бўлишди. Бунинг эвазига, тилла узук, қимматбаҳо буюмлар, кўйлак, пул, хуллас, нимани ҳохласа, шуни беришга ваъда қилишди. Суд процессида эса гувоҳлар бу ғамхўр оналарнинг жиноятларини ошкора фош этдилар.

Суд ҳайъати Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 94-моддаси билан М. Бройтманни тўққиз йил қаттиқ режимли қамоқ жазосига ҳукм қилди. А. Глуховни саккиз йил, уларга ёрдам бергани учун В. Форемлюкни беш йил озодликдан маҳрум этди.

Гувоҳларни қўлга олиб, жиноятни бостибости қилишга уринган оналар устидан жиноий иш қўзғатилди. Шаҳар халқ суди уларнинг жиноятини Ўзбекистон ССР жиноят кодексининг 163-моддаси билан, айблаб, Чилонзор район прокурорига юборди.

С. САЙДАЛИЕВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—29|IX да **Зайнаб ва Омон**, 30|IX да **Рус кишилари** (кундуз соат 5 да).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29|IX да **Алжонларим**, 30|IX да **Олтин девор**.

Кино

29 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анупама — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Гамбургчик матбуот қироли — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Асунта, бехато от! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.20 минут ва 10 да бошланади).

Севил — «ФЕСТИВАЛЬ».
Анупама — «ХИВА».
Эркак ва аёл — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

30 СЕНТЯБРДА

ҚИШКИ БИНОДА

Анупама — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «МОСКВА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гамбургчик матбуот қироли — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Асунта, бехато от! — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8.20 минут ва 10 да бошланади).

Севил — «ФЕСТИВАЛЬ».
Анупама — «ХИВА».
Колонна — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ХАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ

ЎРГАТИЛГАН АРСЛОНЛАРНИНГ КАТТА АТТРАКЦИОНИ

Ургатувчи — РСФСРДА хизмат кўрсатган артист

ВЛАДИМИР БОРИСОВ

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари икки марта: кундуз соат 3, кеч 8 да, якшанба кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

8 октябрь кундуз соат 2 яримда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус, Г-303 аудитория)да физика-математика фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Дам Куанг Занг: «Гаусе кетма-кетликларидан тузилган квадратик формаларнинг асимптотик кўриниши» деган темада;

Хоанг Ван Тао: «Тебранишлар билан боғлиқ бўлган чизиқсиз дифференциал ва интегро-дифференциал тенгламалар назариясининг баъзи масалалари ҳақида» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университетнинг илмий кутубхонаси (Университет кўчаси, 4 уй)да танишиш мумкин.

9 октябрь кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг фалсафа фанлари бўйича илмий совет кенгаши (Сулаймонова кўчаси, 33 уй, 1 қават, конференц-зали)да фалсафа фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун:

Ф. Темиров: «Воқеликни бадиий-образли инъикос эттиришнинг гносеологик ва социал-эстетик табиати (Ўзбек бадиий адабиёти мисолида)» деган темада;

Н. Сандов: «Диний сарқитларга қарши кураш тажрибаси ва унинг илмий атеистик пропаганда самарадорлигини оширишдаги роли (Ўзбекистон ССР материаллари асосида)» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй)да танишиш мумкин.

Тошкент область, Бекобод районидаги Жамбул номли 18-ўрта мактаб томонидан **Бухорбоев Есенкелди** номига берилган 862796 номерли йўлқўлган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТЕЛЕВИЗОР

29 СЕНТЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
МОСКВА КУРСАТАДИ

16.20 Янгиликлар. **16.25** Москва кундузги кўрсатувларининг охири.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.30 «Ахборот» информацион программаси. **18.45** Болалар учун мультфильм. **18.55** «Илмий-техника ривожи учун». **19.15** «Ўзбек киносининг изланишлари ва кашфиётлари».

Ўзбек тилида: 20.15 «Ахборот» информацион программаси. **20.30** «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида. **21.20** «Яриm аср йилномаси». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильмнинг 1918 йил ҳақидаги серияси. **22.15** Янгиликлар. **22.20 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ОЛДИДАН.** «Пахта терими кундалиги». **22.35** Пахта терими илғорлари учун концерт. **23.30** Кўрсатувлар программаси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 «Акварель». Илмий-оммабоп фильм. **18.10** Ҳужжатли фильм. **19.20** Ўқув кўрсатувлари программаси: 5—7-синф ўқувчилари учун тасвирий санъат ҳақида суҳбатлар; «Пейзаж ва унинг санъат асаридаги функцияси»;

МОСКВА КУРСАТАДИ

19.55 Янгиликлар. **20.05** Д. Ойстрах чалади. **21.05** Ўқувчилар учун. Пионерлар марши бошланади. **21.30** Миллионлар ленинча университети. **22.00** «26 Боку комиссарлари». Бадиий фильм. **23.45** «Вақт» информацион программаси. **00.15** Адабиёт ҳақида суҳбатлар. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

Радио

29 СЕНТЯБРЬ

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

16.10 А. М. Горький. «Изергиль кампир» радиоинсценировкаси (ўзбекча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **18.00** «Фан ва ҳаёт машинада», Ўзбекистон ССР беш йиллигини номли совхоз директори З. Мансумов сўзи (русча). **18.10** Ю. Ражабий ва С. Жалил, «Навоий Астрободда» музикали драмасидан парчалар. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Куйлардан — қўшиқларга. **20.00** «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. **20.50** Куйлар. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Пахта йиғим-терими қатнашчилари учун концерт. **22.20** «Лазги» ансамбли солистларининг концерти. **22.40** С. Зуннунова. «Ўшанда ҳам куз эди». Ҳикоя (ўзбекча). **23.15** «Дам олиш соатида». Концерт. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 «Озодлик қуйчиси». К. Рилеев туғилган кунининг 175 йиллигига бағишланади (ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт. **20.00** Дала меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Латвия бугунги кунда». Латвия радиосининг эшиттириши. **21.00** «Ёшлар ижоди» (ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ж. Рид. «Жаҳоннн тинтратган ўн кун» (русча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 ОЗАРБАЙЖОН САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ.

Рус тилида: 20.40 «Бугун микрофон спзники». Тошкент ёшлар эстрадаси коллективлари конкурси голиблари ҳақида кўрсатиш. **21.20** «Учрашув». Бадиий фильм. **22.35** «Менинг каравеллам бор». Фильм-концерт

Чилонзор район ошхоналар трести коллективи трест комсомол комитетининг секретари С. Саматовга онаси

Раҳима САМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ.
29 СЕНТЯБРЬ, 1970 йил.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3118.
Р. 04124